

**НУРИЛЛА АЛИҚУЛОВ**  
**ОРТИҚЖОН ЖЎРАЕВ**


**ЖОНБУЛОҚ ЖИЛҒАЛАРИ**  
*ЛАВҲАЛАР*

Қарши  
"Насаф" нашриёти  
2005

Ҳар бир қишлоқ кечмиши, бугуни ва истиқболи муқаддас Ватанимизнинг тарихига уйқашдир. Истиқлол боисигина биз ўз қишлоқларимиз тарихини батафсил ўрганиш имкониятига эга бўлдик.

Ушбу китоб ана шу қутлуғ ният ва имконият меваси бўлароқ дунёга келди.

НО 31239  
081



Ж 4702620201-323 323-2005  
376 (03) 2005

© О. ЖҰРАЕВ- 2005

ISBN 5-7323-0502

## КИШЛОҚНИНГ КЕЧМИШИ ҲАҚИДА

Жонбулоқ Фузор дарёси Қорасув қисмининг оқими бўйича ўнг томонида жойлашган қишлоқ. Бу жой Фузор тумани марказининг ғарбий-жанубий томонида бўлиб, йигирма километрча наридадир. Дарёнинг шу жойида чучук сувли чашмалар кўп. Қишлоқнинг номи булоқ ёнида маъносини беради. Яхлит қишлоқдан иборат "Жонбулоқ" жамоа ширкат хўжалиги туманнинг Охунбобоев номли, Тоҳир-Зухра номли, Навоий номли, "Наврўз" ва Абдулла Турсунов номли жамоа ширкат хўжаликлари билан чегарадош.

Жонбулоқ XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида таркиб топган. Чунки бундан олдинги тарихий манбаларнинг бирортасида ҳам атрофдаги Фармистон, Савбоқ, Керайит, Қўштепа сингари қадимий қишлоқлар қаторида қишлоқ номи учрамайди. Қишлоқ аҳолиси ўзбекнинг сарой уруғидан, қўҳна Тўрсари ва Савбоқ аҳолиси ҳам ўзбекларнинг сарой уруғидан иборат. Шу қишлоқлардаги айрим йирик чорвадорлар олдинлари Тўрсаридан Совлиғар, Совлиғардан Савбоқ қишлоқларигача чўзилиб кетган бепоян даштларда сурув-сурув қўйлар боқиб ёзни ўтказган ва кейинчалик булоққа яқин жойларда отар қуриб жойлашиши натижасида қишлоқ ташкил топган. Қишлоқ аҳлининг бақувват, кўнгли очқлиги чорвадорлар авлодлари эканини билдиради.

Шўролар даврининг жамоалаштириш йилларида қишлоқда Сталин номи жамоа (колхоз) хўжалиги ташкил қилиниб, бошқарув раислигига Жонимқул Соипов сайланди. Жамоа хўжалигининг ташкил бўлишида қишлоқ меҳнатқашларидан тўпланган от, сигир, қўй-эчкилар сотилиб, хўжаликка иккита от арава, битта хўкиз арава, бешта омоч ва бўйинтуруқ харид қилинган. Қишлоқ меҳнатқашлари жамоачиликнинг дастлабки йилларидаёқ дончиликни ривожлантириш билан бир қаторда пахтачиликка ҳам эътибор қарата бошлади.

Жамоа хўжалигининг аъзолари 1933 йилги ҳисобот-сайлов йиғилишларида Алиқул Абдиевни жамоа хўжалиги бошқарувининг раислигига сайладилар. А. Абдиев мавжуд тармоқлар қаторида чорвачиликни тараққий эттиришга алоҳида эътибор берди. Хўжаликда қўйчиликдан ташқари сут-товар ва йилқичилик фермалари ҳам ташкил қилинди. Фаллачилик ва пахтачиликдан ҳосилдорлик ортди. Жонбулоқ даштларига Фузор дарёсидан Зангтепа орқали келадиган сув тармоғи кенгайтирилиши натижасида экинларни суғориш анча яхшиланди. Меҳнатқашларнинг турмуш даражаси йилдан йилга яхшилана борди. Хўжалик раҳбари ташаббускор ва тадбиркорлиги билан туман раҳбарларининг эътиборини қозонди.

А. Абдиев 1942 йилда Тўрсари, Оқтўнли, Сийроқ, Жонбулоқ қишлоқларини ўзида бирлаштирган Тўрсари қишлоқ шўраси раислигига лозим топилди. У пайтлар қишлоқ шўраси уюшмаси ўз худудидаги хўжаликлар билан иш олиб борган. "Жонбулоқ" жамоа хўжалигининг бошқаруви раислигига А. Абдиевнинг тавсияси билан Маматкул Ёвқочдиев сайланган. М. Ёвқочдиевдан кейин Эшмирза Қаландаров маълум вақт хўжалик бошқаруви раиси бўлиб фаолият кўрсатди.

Қишлоқ йигитларидан қирқ нафардан кўпроғи II жаҳон урушига олиниб, дала ишларининг асосий қисми хотин-қизлар ва болалар зиммасига тушди. 1943 йилда хўжалик раҳбарлигига иккинчи марта сайланган А. Абдиев урушга кетганлар оиласига, қарамоғида ҳеч кими бўлмаган қарияларга ғамхўрлик кўрсатди. Келажакка ишонтириб дала меҳнатқашларини бугун кечагидан-да самарали ишлашга илҳомлантириб борди. Хўжаликда ғалла, пахта, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш жонланди. Уруш йиллари кўшни қишлоқларда моддий томондан қийналган айрим кишилар Жонбулоққа кўчиб келиб, турғун бўлиб қолди. Шу йиллар Яқкабоғ, Қамашни туманларидан ҳам Жонбулоқ жамоа ширкат хўжалигига кўчиб келиб ишлаганлар бўлган. Бу хўжалик раҳбарининг инсонийлик ва кишиларга ғамхўрлигидан дарак беради.

Фронтга кетганлардан 15 нафари қайтди. Улардан Овлакул Чоршанбиев, Худойберди Жовлиев, Келдиёр Тўрақулов, Чоршанби, Ғаффор Бозоровлар, Равшан Абдиев, Мейли Қурбонов, Абдулла Ибрагимов, Берди Ёвқочдиевлар ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилиб, қишлоқдошларининг хурмат-эътиборини қозондилар.

1950 йилда хўжаликлар йириклаштирила бошланди. Жонбулоқ, Совлиғар бирлаштирилиб Ворошилов номи жамоа хўжалиги ташкил қилинди. Жонбулоқ қишлоғи 1960-1970 йиллар мобайнида бир неча марта Ленин номи, Охунбобоев номи жамоа ширкат хўжалигига бирлаштирилди. 1979 йил Жонбулоқда М. Ҳасанова номи боғдорчилик жамоа хўжалиги ташкил қилиниб, 1987 йил Охунбобоев номи жамоа хўжалигига кўшилди. Бирлашган йиллар Жонбулоқда ғалла майдонларини кенгайтириш қаторида пахтачилик ривожлантирилган. 2000 йили Охунбобоев номи жамоа хўжалигидан ажратилиб, "Жонбулоқ" жамоа хўжалиги барпо этилди ва хўжалик раҳбарлигига жонбулоқлик Дўстқобил Саманов етакчилик қилди.

2003 йил март ойида хўжалик бошқарувининг раислигига Тўхтамурод Тўраев сайланди. Хўжалик иқтисодиётида ғаллачилик ва пахтачилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Айни пайтда хўжалик 550 гектар ғалла ва 350 гектар пахта майдонига эга. Хўжалик ғаллакорлари тадбиркор раҳбарлари бошчилигида ҳар гектар майдондан 27 центердан хирмон кўтариб, ғалла етчиштириш ва давлатга топшириш йиллик режаларини бажардилар. Шунингдек, хўжалик пиллакорлари давлатга пилла топшириш йиллик режаларини ҳам ошириб адо этишган.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжаликда бир қатор ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Хўжалик раҳбари қишлоқ меҳнаткашлари билан ҳамжиҳатликда иш тутиб, муаммоларнинг ечимларини топаяпти.

Жонбулоқ етук кадрлари билан диққатга сазовор. Чори Эсонов, Равшан Абдиев, Шодмон Даминов, Берди Назиров, Шакар Номозов, Муртоза Мавлонов, Овла Чоршанбиев, Раҳим Хуррамов, Баҳри Даминов, Бегимкул Чоршанбиев, Эшмирза Қаландаров, Мейли Боботов, Мейли Шакаров, Усар Бозоров, Эргаш Муродов, Чори Хуррамов. Бозор Каримов сингари фарзандлари туман миқёсидаги турли хил юксак лавозимларда ишлаган бўлса, Чори Сатторов, Олла Қобилов, Ермат Ёвқочдиев, Тўра Ортиқов, Жўра Ортиқов, Келдиёр Тўракулов, Хусан Қобилов, Мўмин Омонов, Жўра Каримов, Хуррам Эшбобоев, Жума Жўраев, Тўра Шойимов, Ибрагим Мусаев, Худойберди Муҳаммадиев, Кудрат Хуррамов, Усмон Шоиров, Тожи бобо Умборов, Нормўмин, Нуриддин Чоршанбиев, Маҳмаражаб Жўраев, Райим Рустамов, Эломон Сатторов, Абдурахим Жумаев, Абдишукур Эшмирзаев, Неъмат Мўминов, Жуманазар Дониев, Суян Мўминов, Қ.Хўжакулов, Ч. Мавлонов, Мустафоевлар ташкилотчилик ва меҳнаткашлик қобилиятлари билан хўжалик иқтисодий ва маданий ҳаётининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлар.

Жонбулоқдан математика ўқитувчилари кўп етишган. Балли Номозов, Уроз Чоршанбиев, Қарши Жумакулов, Худойберди Оллаев, Маҳмаражаб Жўраев, Долли Шакаров, Шариф Мейлиев, Нормамат Мейлиев, Бердиқобил Ерматов сингари математика ўқитувчилари туманимиз ва Қамаши тумани мактабларида самарали фаолият кўрсатишган.

Хўжаликдаги Фурқат номли ўрта мактабда меҳнаткашларнинг 489 нафар ўғил-қизлари таълим-тарбия олмоқда. Мактабда 59 нафар маҳаллий кадр фаолият кўрсатаёпти. Еу ўқув даргоҳи тумандаги таълим-тарбия ишлари замон талаблари даражасида йўлга қўйилган мактаблардан бири ҳисобланади.

### ЧАҚМОҚ ИЗИДАН

Абди Жонбулоқнинг оқ-қорани ажратадиган илмли кишиларидан бўлган: У чорвачилик ва деҳқончиликда катта тажрибага эга эди. Қишлоқдошлари ва ён қишлоқлардаги айрим таниш-билишлари чорва молларининг парвариши, деҳқончилик борасида ундан маслаҳатлар олиб туришган. Минг тўққиз юзинчи йилнинг баҳор кунларининг бирида Абдининг хонадонида чақалоқ дунёга келди. Чақалоққа Аликул деб ном қўйдилар. Оила соҳиб бўлганинг зийрак, ақлли, меҳнатсевар, илм-билимга қизиқувчан бўлиб ўсишига эътибор берди. Аликул ўн ёшга етгач, Тўрсари, Совлигар қишлоқларидаги муллалардан илм ола бошлади. У ўқиш ва ёзишни яхши ўрганиб, Ғузордаги мадрасада ўқишни давом эттиришга тайёргарлик кўра бошлади. Бироқ даэр ўзгарилари тўфайли унинг орзуси амалга ошмай қолди. Отасининг ёнида

чорвачилик ва деҳқончилик билан жиддий шуғуллана бошлади, меҳнатда тажриба орттирди. Ўттизинчи йилларнинг бошида қишлоқда ташкил этилган саводсизликни тугатиш кўрсиди ўқиб, саводини чиқарди.

-Бирор илмни эгаллаган киши, иккинчи илмни эгаллашга унчалик қийналмас экан, - дер эдилар отам, деб оталарининг сўзини эслайди Нурилла ака. - Рус алифбосини осонгина ўрганиш, тутилмай ўқиш, ёзишни бошқалардан фарқ қиладиган даражада тез ўргандим. Газета-журналларни ўқиб, мамлакатимиз, дунёда қандай воқеалар юз бераётганидан қизиқувчиларни хабардор қилиб турардим.

Қишлоқда жамоа хўжалиги тузилганидан бир йил ўтгандан сўнг ҳисобот-сайлов йиғилишида жамоа меҳнаткашлари билимдон, тажрибали чорвадор ва меҳнаткаш Алиқул Абдиевни катта ишонч билан ўзларига бошлиқ этиб сайладилар. А. Абдиевнинг 1933-1940 йиллардаги раҳбарлик фаолияти даврида хўжалик иқтисодиёти ривожланиб, меҳнаткашларнинг турмуш шароити анча яхшиланди. Хўжалиқда ишлаб чиқаришнинг мавжуд тармоқлари бўйича йиллик режалар йилдан йил оширилиб бажарилди.

Меҳнаткашларга ғамхўрлик, талабчанлик, тажрибакор ва ташкилотчилик фазилатлари билан туман раҳбарларининг эътиборига тушган А. Абдиев бир неча қишлоқни бирлаштирган Тўрсари қишлоқ шўроси раиси лавозимига сайланди. Ҳар бир кўсар-хунар соҳиби, раҳбар қамида икки-учта ўринбосар тайёрлаб боришга амал қилган. А. Абдиев ўз ўрнига сафдоши Маматқул Евқочдиевни тавсия қилди. Синалган раҳбар қишлоқ шўросида меҳнат интизомини тубдан яхшилаш билан одилона иш юритди. Қишлоққа қарашли хўжалиқларда барча кўрсаткичлар бўйича йиллик режалар бажарила борди. Мактабларда эса ўқув-тарбия ишлари яхшиланди.

Тажрибакорлиги билан синалган раҳбар 1943 йилда Керайит (ҳозирги Абдулла Турсунов номи) жамоа хўжалиги бошқарувининг раислигига сайланди. У "Керайит" жамоа ширкат хўжалигига раҳбарлик фаолиятида Абдулла Турсуновнинг қобилиятига эътибор қаратди. У ёш, изланувчан, тиришқоқ, фикри тез Абдулланинг келажагига умид боғлаб, яхши фазилатларни унга ўтказишга интилди. А. Абдиев "Жонбулоқ" жамоа ширкат хўжалиги бошқарувида меҳнаткашлар талаби билан иккинчи марта раис бўлиб сайлангач, ўз ўрнига Абдулла Турсуновни лозим қилди.

А. Абдиевнинг 1943-1950 йиллардаги раҳбарлик фаолияти даврида "Жонбулоқ" жамоа ширкат хўжалигининг иқтисодиётида тубдан бурилиш юз берди. У бунга суғориладиган майдонларни кенгайтириш, қўриқ ерларни ўзлаштириш, меҳнатни тўғри ташкиллаштириш, одилона иш тутиш ва илғор тажрибаларни ўрганиб, амалга тадбиқ этиш натижасида эришди.

Хўжалик йириклаштирилгач, А. Абдиев хўжалик қорамолчилик фермасининг мудирини бўлиб иш фаолиятини давом эттирди. Хўжалиқда чорвачилик тараққий этди. Қорамол, қўйлар сурув сони ортди, чорва молларининг наслдорлиги яхшилана борди. У

нафақага чикқунга қадар ғаллачилик бригадасига бошчилик қилди. Унинг бригадасида ғалла ҳосилдорлиги гектар ҳисобига йилдан-йил кўтарила борди.

А. Абдиев раҳбарлик фаолиятида ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан чегараланиб қолмай маҳаллий кишилардан кадрлар етиштиришга ҳам эътибор қаратди. Ўз умрини ҳисобчиллика бахш этиб, ҳаётдан муносиб ўрнини топган Худоёр Чоршанбиев, олий маълумотли мол дўхтири Бобоназар Нажмиддинов А. Абдиевнинг маслаҳатига амал қилишган.

Узоқни кўзлаб иш тутувчи раҳбар миллий урф-одатларимизнинг сақланиб қолишига ҳам аҳамият берган. Айниқса миллий курашни ривожлантиришга эътибор қаратган.

Қишлоқдошларининг айтишларига қараганда А. Абдиев полвонсифат бўлиб, спортнинг миллий кураш тўрига эътибор қаратган. Жамоатчи мухбир Йўлдош Маллаевнинг "Янги ҳаёт" ҳозирги "Фузор ҳаёти" газетасида "Ёднома" рўқни остида эълон қилинган "Курашни севган раис" мақоласида А. Абдиевнинг курашга ишқибозлигига эътибор қаратилади. Алиқул бобо курашни жуда севарди. У кураш бўладиган тўйларда албатта иштирок этар, кураш тушувчиларни руҳлантириб турар эди. Тажрибали полвонларга, ёшларга кураш сирларини ўргатиш учун ишда энгилликлар берар эди. Қишлоқда бўладиган тўйларга бошчилик қилар, амалий ёрдам бериб, курашни каттароқ қилиш учун кўмаклашарди. Кўп ҳолларда ўзи ҳам курашга тушарди. Уша даврларда Жонбулоқ қишлоғидан Мейли Боботов, Чори Сатторов сингари номдор полвонлар етишиб чикди. Бобонинг куёви Шариф Мейлиев номдор полвонлардан. У вилоят ва республика миқёсида бўлиб ўтган кураш мусобақаларида қатнашиб ғолиб бўлган. Ш. Мейлиев ҳозирги кунда Жонбулоқдаги Фурқат номли ўрта мактабда кураш тўғарагини ташкил қилган. Тўғаракка қатнашаётган 62 нафар ўқувчига кураш сирларини ўргатмоқда. Тўғарак қатнашчиларидан Фарҳод Худоёров, Урал Рўзиевлар кураш бўйича республика чемпиони бўлишди.

Алиқул ака ҳалол ва покиза одам эдилар. Хўжалик раҳбари бўлса-да, фарзандларини бошқа болалардан ортиқ кийинишига йўл қўймасди. Унинг хонадони оддий қишлоқ меҳнаткашининг хонадонидан фарқ қилмасди. Турмуш ўртоғи ҳам қишлоқдаги тенгдошлари қаторида ғаллачилик, пахтачилик ишларида қатнашарди. Энг ибратли томонларидан яна бири-борига қанозат қиларди. Хўжалик полизларидан бирорта қовун ёки тарвуз, хирмондан бирор халта дон олиб кетганини ҳеч ким эслай олмайди. Раис бобо, қовун-тарвуз пишди, уйга олиб боринг булардан, деганларга, бу ҳосил кўпчиликнинг ризқи, мен болаларим учун битта қовун ёки тарвуз олиб борсам, бу жойдан ўнта қовун-тарвуз йўқолади. Кўпчилик ризқининг талон-торож бўлишини истамайман, деб жавоб берар эканлар, - дея эслайди саксон саккиз ёшли Берди бобо.

Ётуқ инсон кўркем боғ ёки данғиллама кўшк-айвон кўрмаса ҳам, яхши фазилатлари билан ҳаётда чуқур из қолдириши мумкин.

-Аликул, -деб эслайди жонбулоқлик саксон тўрт ёшли Абдулла бобо Ибрагимов, -ташкilotчи, тадбиркор, кўл остидаги кишиларга ҳамхўр инсон эди. Қаерда ишлаган бўлмасин, шу жойнинг аҳолиси ундан хурсанд бўлган.Керайитлик совбоқлик, тўрсариликлар унинг номини ҳамон ҳурмат билан эслайдилар. Ҳақиқатдан ҳам ўзини эмас,ўзгаларни ўйлаш унинг энг олийжаноблик хислати эди. Айниқса уруш йиллари атрофдаги кишлоқлардан,хатто кўшни туманлардаги айрим кишлоқлардан Аликул акамни қора тортиб Жонбулоққа келувчилар бўлди.Чорвачилик фермасининг мудир,ғаллачилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлаганларида ҳам ўз манфаатини эмас, кўл остидаги кишиларнинг ҳақи борасида ўйларди.

Аликул Абдиев 1977 йилда 77 ёшида вафот этди. Хоҳ қисқа, хоҳ узок бўлмасин,яхши кишининг умрини чақмоққа қиёслаш мумкин.Чақмоқ чақнаб борликни бир лаҳза ёритади,сўнгра атрофни ларзага солиб момақалдироқ гулдурайди. Унинг фарзандлари,юз нафардан ортиқ невара-чевараларидан айримлари халқ хўжалигининг турли жабҳаларда меҳнат қилаётган бўлса, айримлари республикамиз миқёсидаги олий ўқув юртларида, она кишлоқларидаги Фурқат номли ўрта мактабда таълим олишмоқда.

### **ЖОНБУЛОҚЛИК ПОЛВОНЛАР**

Жонбулоқ азалдан полвонлари билан машхур. Кишлоқ қарияларининг айтишларига қараганда,Нашҳин полвон,Қобил полвон, Чоршанбе полвонларнинг номи вилоятдан нариларга чиқиб кетган.Кишлоқдошлари орасида юқорида номлари айтилган полвонлар ҳақида афсонавий ҳикоятлар юради.Айтишларича,баҳор пайти келган селдан сўнг Ғузур дарёсининг ўтиш жойида юк тўла арава билан хўкиз балчиққа ботган.Аравакаш ҳар қанча уринмасин арава чархлари яримигача балчиққа ботиб, хўкизлар толикиб балчиққа йиқилган. Аравакаш хўкизлардан умидини узиб турганда, қаердандир Наҳшин полвон келиб қолади.У ечиниб хўкизларни бирин-кетин балчиқдан чиқариб,аравани ҳам тортиб чиқарган экан. Ривоят қилишларича, Чоршанбе полвон ўзаро баҳсда икки ёшли туяни кўтариб,кураш даврасини айланган.

1940-1950 йилларда Чори Сатторов,Мейли Боботов,Берди Ёвқочдиев, Вали Номозов,Уроз Чоршанбиев,Райим Хуррамов, Эшқобил Боёров,Муртоза Мавлонов сингари полвонлар курашда довруғ таратган бўлсалар,1960-йилларда Жонбулоқдан Баҳри Даминов,Шариф Мейлиев, Қурбон Чориев,Шоолим Номозов каби полвонлар етишиб чиқди. Улар вилоятимиз туманларидаги курашларда нуқул пешқадамликни эгаллаш билан кураш сирларини мукаммал эгаллаб, кўшни вилоятларда ҳам довруғ таратган.



Жонбулоқдан чиққан раҳбар кадрларнинг аксарияти полвон ёки полвонлар авлодидан бўлгани сабаблими, улар қаерда раҳбарлик қилишмасин, шу жойда миллий курашни ривожлантиришга эътибор қаратганлар. Шунинг учун туманимизда миллий курашда эришилган ва эришилаётган муваффақиятларда жонбулоқлик полвонлар ҳамда раҳбарларининг салмоқли ҳиссаси бор.

## ШАРИФ ПОЛВОН

Шариф Мейлиевлар оиласини қишлоқдошлари ҳақли равишда полвонлар сулоласи, дейишади. Дарҳақиқат, Шариф аканинг оталари Мейли Боботов айтишларича, кураги ерга тегмаган полвон бўлган эканлар. Унинг ўғли Шариф Мейлиев ҳам ўз даврнинг энг номдор полвонларидан бўлиб, миллий курашда қишлоғидан чиққан барча полвонлардан фарқ қиладиган даражада катта шон-шухрат қозонган.

Ш. Мейлиев болалигиданоқ миллий курашнинг чапдаст усуллари билан томошабинларни мафтун қилди. У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ кураш тушиб ўзи тенгги, ҳатто ўзидан уч-тўрт ёш катта полвонлардан ғолиб келарди. Тумандаги мактаблар биринчилиги учун ёш полвонлар мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келган. Қишлоқдаги тўйларда бўладиган курашларда фаол иштирок этган.

Сақизинчи синфда ўқиётганда қўшни Зангтепа қишлоғидаги тўйда ўтказилган курашда қатнашиб, ўзи тенгги барча полвонларни йиқитиб, биринчи марта катта соврин, яъни улоқ олган. Кунларнинг бирида Қамаш туманида яшаётган опасининг уйига меҳмон бўлиб борган. Шу кунларда Қамаш туман мактаблари орасида миллий кураш бўйича биринчилик учун мусобақа бораётган эди. Шариф ҳам мактаб ўқитувчиларининг таклифи билан М. Горький номи ўрта мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси сифатида мусобақада иштирок этган. Барча рақиблардан ғолиб келиб, вилоят биринчилиги учун Қарши шаҳрида ўтказилаётган мусобақада қатнашиш бахтига муяссар бўлади. Ниҳоят ўз оғирлиги бўйича вилоятда биринчи ўринни эгаллаган.

Ўнинчи синфни тугатиб, ўқишга кириш учун Қарши Давлат пединститутига ҳужжатларини топширади. Бироқ шу йил омади чопмади. Қишлоққа қайтиб, дала ишларида отасига кўмаклаша бошлади. Шу йил вилоят қишлоқ хўжалик ходимларининг Ҳосил байрами бўлиб, Ғузор тумани полвонлари сафида кураш мусобақасида қатнашди.

-Ҳамон ёдимда, - дейди Шариф ака Мейлиев. - Катта кураш майдони томошабинлар билан гавжум. Республикамиз пойтахтидан келган вакиллар, вилоят, туманлар вакиллари орасида Чўли ота қадди-қомат, салобатлари билан ажралиб туради. Кураш майдонига чиқиб, ўз рақибимни елкамдан ошириб ташладим. Навбатдаги рақибларим устидан ғалаба қозониб, совринлар олдим. Шу билан бир қаторда вилоят чемпиони бўлиб, Тошкент

шаҳрида ўтказиладиган ёшлар фестивалида қатнашиш ҳуқуқига эришдим. Фестивалга вилоятдан ўн киши иштирок этдик. Ўз оғирлигим бўйича биринчи ўринни эгаллаб, кумуш медал ва диплом билан мукофотландим ҳамда республика чемпиони унвонига сазовор бўлдим.

Ёш полвон 1957 йил имтиҳон натижаларини кутмасдан институт ректори Қурбон Ўлжабоевнинг руҳсати билан республикада ўтказиладиган кураш мусобақасида иштирок этди. Тошкентда голибликка эришиб, Қарши Давлат пединституту физика-математика факультетининг кундузги бўлимида ўқишини бошлади.

Ўқиш бошлангач, устозим Содиков институтда ташкил қилинган спорт тўғарагининг миллий кураш бўлимида қатнашим шартлигини ўқирди. Тўғаракнинг машғулотларига зўр қизиқиш билан иштирок этар эдим. Миллий кураш бўйича республикамиз олий ўқув юр்தларининг биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда ўз оғирлигим бўйича бир неча марта иккинчи ва биринчи ўринларни олишга муяссар бўлганман, - дейди Шариф Мейлиев.

Кунларнинг бирида ҳозирги Чўли ота жамоа ширкат хўжалигида катта тўй бўлиб, тўйга Шариф Мейлиев ҳам таклиф қилинган. Полвонлар йиғилиб келишгач, бош соврин эълон қилинади. Шу тўйда ўтказилган курашда Чўли отанинг ишончини қозонган Чори, Тўхли, Қодир полвонлар Шариф полвондан енгилади. Тўйда Чўли отанинг эътибори тушган ва олийгоҳда Шариф полвон "Чўли ота полвони" деб аталадиган бўлган экан.

Чўли ота қобилиятли ёшларга жуда эътиборли одам эдилар, - дейди Шариф ака. Катта тўйларнинг бирида ёнларига чорлаб: "Ўғлим, сен курашга тушасан, мана шу дастурхондаги неъматлардан тўйгунингча тамадди қилиб, пиёладаги ароқни ичгин", - дедилар. Ушанда Чўли отага, эътиборингиз учун раҳмат, мен бирор марта ичиб ёки чекмаганман, дедим. Чўли ота ҳаяжонланиб, бундан буён битта машина ажратиб қўяман. Сизларни шу машинада тўйларга олиб бориб, олиб келишди, дедилар. Шундан кейин Чўли ота мени ҳимоя қиладиган бўлиб қолди. У кишининг таклифлари билан Туркманистон республикаси, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларидаги бир неча катта тўйларда қатнашиб совринлар билан қайтганман.

Шариф Мейлиев олийгоҳдаги ўқишни тугатиб, иш фаолиятини бошлагандан кейин, мактабларда спорт тўғарагини ташкил қилиб, миллий кўраш бўйича шоғирдлар тайёрлашга алоҳида эътибор берди. У қизиқувчан ёшлардан бир нечасига миллий курашнинг ажойиб услубларини ўргатишга эришди. Улар орасида Шоолим полвон, Суяр полвон, Душа полвон, Фарҳод, Отабек полвонлар курашда катта муваффақият қозонишди.

Кенжа ўғли Салоҳиддин ота изини тутди. У Тошкент Политехника олийгоҳида ўқишини давом эттириш билан бирга миллий кураш сирларини мукамал ўрганмоқда. Шунингдек, Шариф полвоннинг невараси Эсоғжон ҳам ўзи сабоқ олаётган Тошкент қилдим, - дейди Ўроқ бобо Саманов. - Улар ҳозрг кунда халқ

Политехника олийгоҳи бўйича ўтказилаётган мусобақаларда совринли ўринларни эгалламоқда.

-Мустақиллигимиз шарофати туфайли спортнинг барча турлари қаторида миллий курашни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ғамхўрлик натижасида кўплаб полвонлар этишиб чиқиб, мамлакатимиз довуғини ёйишлари шубҳасиз,- дейди Шариф полвон Мейлиев.

## **ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ**

Ғузур туманидаги Жонбулоқ қишлоғи ҳам анча қадимий, шунга қарамасдан ғўзал ва кўркам. Қишлоқ ўзининг пиру бадавлат қариялари, меҳнаткаш ахли, зиёлилари ва ижодкорлари ҳамда ташаббускор, билимдон ёшлари билан, шунингдек полвону чавандозлари билан юртга танилган.

Жонбулоқда шундай бир хонадон борки, соҳибини тилга олишингиз билан суҳбатдошимизнинг юзига табасум югуради. "Ҳа, Дўсқобил Саманов ҳақида гапираяпсизми?"-дея номини фахр билан тилга олишади. -Эзгу ишлари, ҳалол меҳнати, саховати туфайли элнинг тилига, дилига тушган".

Дарҳақиқат, Дўсқобил Саманов 1955 йилда шу қишлоқда туғилган. 1960 йил Фурқат номли 30-ўрта мактабга ўқишга бориб, 1970 йилда "Интернационал" мактабининг 10-синфини тугатди. Илмга чанқоқ Дўсқобил аввал Шаҳрисабз қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумида, кейинчалик эса Тошкент Давлат Халқ хўжалиги институтида таълим олди.

Олийгоҳни муваффақиятли тугаллагач, тумандаги Охунбобоев номли давлат хўжалигида материал бухгалтери, иқтисодчи бўлиб фаолият юритди. Кўп ўтмай Жонбулоқ қишлоғи асосида М.Ҳасанова жамоа хўжалиги ташкил топди. Дўсқобил шу хўжаликка бош иқтисодчи бўлиб ишга ўтди.

Дўсқобил Саманов ўзининг билимдонлиги, ишчанлиги ва тadbиркорлиги билан эл назарига тушди. Шу боис туман раҳбарлари уни агросаноат бирлашмасининг бош иқтисодчилигига таклиф этишди. У бу таклифни қабул қилар экан, яна ўз устида тинмай ишлади. 1991 йил Тошкент Давлат сиёсатшунослик бошқарув институтининг дипломини ҳам кўлга киритди. Албатта, малакали мутахассис ҳар бир ташкилот ва корхонага сувдай зарур. Дўсқобилнинг имкониятлари кун сайин ортиб бормоқда эди. 1992-1997 йиллар "Шўртангаз" газ конлари бошқармасида иш ҳақи бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади. 2000-2002 йилларда ўзи туғилиб вояга етган Жонбулоқ қишлоғида хўжалик бошқаруви раиси бўлди. Кейинчалик вилоят ҳокимлигида бош мутахассис сифатида фаолият юритди.

Айни пайтда Дўсқобил Саманов ҳокимликнинг иқтисодийёт бош бошқармасида бўлим бошлиғи.

-Ун нафар фарзандларни тарбиялаб, ўқитдим, уйли-жойли қилдим,- дейди Ўроқ бобо Самадова. -Улар ҳозирги кунда халқ



**Тўхтамурод Тўраев**

Тўхтамурод Тўраев ажойиб инсонийлик фазилатларининг соҳиби. Қайси жойда раҳбар бўлиб фаолият кўрсатган бўлса, шу жойдаги барча кишиларга ғамхўрликни кучайтириш билан кадрларни тарбиялаш, уларнинг ташкилотчилик ва ташаббускорлик фаолиятларини кўрсатишга эътибор бериб келяпти.

—Олис ва яқин ўтмишимизга ҳурмат келажаққа ғамхўрликдир. Ишлаб чиқаришнинг барча жабҳалари, маданиятимизни ривожлантириш учун ақдоқларимиз, замонадошларимизнинг илғор тажрибаларини ўрганиб, улардан фойдаланишимиз керак, — дейди Т. Тўраев.

Шу ўринда айтмоғимиз жоизки, Тўхтамурод Тўраевнинг ташаббуси билан ушбу "Жонбулоқ жилғалари" китоби битилди.



**Дўстқобил Самонов**



**Амир Боботов**



**Муртоза Мавлонов**



**Муродулла Алиқулов**



**Ўрал Мавлонов**



**Нурилла Абдиев**



**Муҳиддин Худойёров**



**Дўсёр Раҳимов**



**Баҳриддин Даминов**



**Шариф полвон  
Мейлиев**



**Нуриддин  
Чоршанбиев**



**Шакар Намозов**



**Худовр Чоршанбиев**



**Чори Хуррамов**



**Бобоназар Нажмиiddинов**



**Бахром Мустафоев**

хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилишмоқда. Дўскобилим ёшлиқдан китобга қизиқди. Мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқиди. Боболаримиз ҳар гапнинг бирида "Меҳнат умрни безайди" дейишарди. Ҳақ гап экан, ўғлим ҳам эл орасида юриб кўп яши ишлар қилди. Жонбулоқ кўчаларига асфалт тўқтирди, мактабни қайта таъмирлашга ўз хиссасини қўшди. Қишлоқ марказидаги 20 га яқин замановий уйларнинг қад кўтаришига ташаббускор бўлди.

-Дўскобилим хўжалик бошқаруви раиси бўлиб ишлаган дамлар, -дея гурур билан ҳикоя қилади онаси Режаб Мейлиева, -элнинг оғирини енгил қилиш учун қишлоғимиз ўртасида замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктининг куриб ишга туширилишида бош-қош бўлди. Худого шукур, халққа хизмат қилган кам бўлмайти.

Дўскобил Самановнинг боласи бошқа хонадонларга ибрат наъмунаси бўлиб хизмат қилади. Дўскобил ака турмуш ўртоғи Мариям Ёвқочтиева билан 7 нафар фарзандни кунгилдагидек тарбиялаб ўқитди. Ўғли Фахриддин олий маълумотли, айни пайтда "Шўртангаз-кимё" мажмуида оператор, Раҳмон ҳам олий маълумотли, "Шўртангаз" газ конлари бошқармасида машинист, қизлари Дилафруз ва Дилнозалар ўрта мактабда ўқитувчи. Мурод қишлоқда фермер хўжалиги бошқарувчиси. Сардор ва Суннат ҳали ўқувчи, улар ҳам ака-опалари каби олий маълумотли, яхши касб эгаси бўлиш иштиёқида ўқишмоқда.

Дўскобил Самановнинг меҳнатини, тadbиркорлигини ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. Кўксини "Мустақилликнинг 10 йиллиги" нишони безаб турибди.

Биз вилоят иқтисодиёт бош бошқармасининг бош мутахассиси, инвестиция ва инвестиция дастурлари бўлими бошлиғи Дўскобил Самановнинг келгуси ишларига омадлар тилаймиз.

## АВЛОДЛАР ДАВОМЧИСИ

Темирчилик фахрли касб. Қадимда хунармандларнинг ахийи (бошлиғи) доимо темирчилардан сайланган. Хунармандчиликда темирчиликнинг алоҳида ўрни бўлган.

Довуд алайҳис-салом Тангри Таолодан рўзгор ўтказишга сабаб бўладиган бир хунар сўраганида Яратувчи унга темирчилик хунарини каромат қилган экан. У кишининг фарзандлари Сулаймон алайҳис-салом ҳам шу касбни жуда эъзозлаган.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз жонбулоқлик уста Шукур Абдуллаевнинг авлод-аждодлари ҳам темирчи ўтганлар.

Тақдир Ш.Абдуллаевни Самарқанднинг Нарпайдан Ғузорнинг Жонбулоғига етаклаб келди. Шу-шу уста Шукур жонбулоқлик бўлиб қолди. У пайтлари қишлоқларда темирчилар ҳаводек зарур эди. Уста Шукур қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган барча турдаги асбоб-ускуналар билан нафақат қишлоқ аҳолисини, балки бошқа хўжаликлар қишлоқларини ҳам таъминлаб, эл қорига камарбаста бўлган.

Уста билан суҳбатлашсангиз, у киши ўз хотираларини шундай хикоя қилади:

-Бобокалонларим ўрта асрларда Самарқандда кенг тарқалган жавондмардлик (ахийлик) оқимининг ҳунармандлар табақасига мансублиги, отамнинг эса машҳур темирчи эканлигини анча кеч англаб етдим. Узим ҳам 60-70 йилдирки шу касбдан рўзгор тебратиб келаман. Ҳозир ёшим саксондан ошган. Ўғил ва невараларимни ёнимга олиб, уларга темирчилик сирларини ўргатаман. Биз ясаган маҳсулотларнинг тури етмишдан зиёд. Буларнинг ичида бугунги авлодга таниш бўлмаган жун титгич, жунтарок, туя ақраби, қадимий қулф ва калит, чанқовуз, мис ва қора сувлиқ, узанги, асов нўхта, кишан ва шунга ўхшаш қишлоқ аҳолиси эҳтиёжларига асқотадиган буюмлар бор. Мақтаниш эмас, гапнинг пўсткалласи, Фузор ва Қамашининг қишлоқларида мен ясаган ўроқ, бел, кетмон ва қиллиқ кирмаган хонадон йўқ ҳисоби.

Замоннинг зайлига қаранг-ки, уста Шукур Абдуллаев сингари умри босқон босиш ва темир тоблаш билан ўтганларнинг ҳам елкасига офтоб теғди. Бу ҳуррият офтоби, эркиндик, мустақиллик офтоби. Ш.Абдуллаевни ҳам энди излашадиган, сўрашадиган, турли танлов ва кўргазмаларга чорлайдиган бўлишди. Ҳатто, вилоят телерадиокомпанияси у кишига бағишлаб махсус кўрсатув тайёрлаб, ойнаи жаҳонда намойиш этди. Шундан сўнг Шукур бобо «Ташаббус-1997», «Ташаббус-1998» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида қатнашиб, танловларнинг ғолиби бўлди. Кейин у кишини Тошкентга таклиф этишди. Кетма-кет икки йил Наврўз байрами арафасида пойтахтда ўз маҳсулотлари билан кўргазмада қатнашди ва бу билан Жонбулоқ ҳунармандчилиқ мактабининг яратилганлигини исботлади. Шу-шу Жонбулоқ темирчилик мактаби тез-тез тилга олинадиган бўлди.

Чунки, бу мактабнинг бошида қарийб 60 йилдирки, уста Шукур Абдуллаев турибди. Бугунги кунда у киши вилоятнинг машҳур усталаридан бири саналади. Ш.Абдуллаев республика Ҳунармандлар уюшмасининг аъзоси, республика кўрик-танловларининг иштирокчиси, ғолиби, вилоят ҳокимлигининг бир неча бор «Фахрий ёрлиғи»га сазовор бўлган инсондир.

## ПЕДАГОГ ВА ЕТУК ИНСОН

Нурилла Абдиев ташкилотчи ва полвон Аликул Абдиевнинг тўнғич ўғли. Отасининг илм-билимга қизиқиши, ташкилотчилик, интилувчанлик фазилатлари Нурилла акага кўчган. У «1-Май» (ҳозирги Жума Боймуродов номи) мактабда тўлиқсиз ўрта маълумот олиб, ўқитувчиларининг маслаҳати билан Қарши педтехникумига кириб, ўқишини давом эттирди. Чунки у пайтлар маҳаллий кишилардан ўқитувчилар бармоқ билан санарли даражада кам эди. Нурилла тажрибали педагоглардан ўқитишнинг сир-асрорларини пухта ўрганишга интилиш билан, эгаллаган назарий билимларини амалга тадбиқ этишга ҳам эътибор қарата борди. Техникумдаги ўқишини имтиёзли диплом билан



тугатиб, Ғузур туманидаги "Зарбдор" (ҳозирги М.Йўлдошев) номли мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб иш фаолиятини бошлади.

Иш фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ олий маълумотли бўлмасдан таълим-тарбия ишларида катта муваффақиятларга эришиб бўлмаслигини англади. Ҳарбий хизмат бурчини ўтаб қайтгач, ҳозирги Мирзо Улугбек номли Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетининг кундузги бўлимига ўқишга кирди. Умарали Норматов, Озод Шарафиддинов, Ботирхон Ақромов, Лазиз Қаюмов сингари забардаст олимлардан адабиёт ва адабиётшуносликнинг сир-асрорларини пухта эгаллади.

-Айрим давлат раҳбарлари ва номдор педагог олимлар, болалар ўнинчи синфни тугатиб, икки-уч йил ишлаб ёки ҳарбий хизмат бурчини ўтаб йигирма икки, йигирма уч ёшида ўқишга кириб, ўқишни йигирма олти, йигирма етти ёшида тугатса, эгаллаган назарий билимини ҳаётга қўллашни ҳам ўрганади, улардан ажойиб кадрлар чиқади, деганларда ҳақ, мен буни ўз тажрибамдан ҳулоса чиқарганман, - дейди Н. Абдиев.

Н. Абдиев олийгоҳдаги ўқишини муваффақиятли тугатиб, Қарши шаҳридаги ўқитувчилар малакасини ошириш илмий институтида услубчи бўлиб иш фаолиятини давом эттирди. Шу жойда икки йил хизмат қилгач, 1969 йилда Ғузур туманидаги "Зарбдор" (ҳозирги Муҳиддин Йўлдошев номли) мактабида директор бўлиб фаолият кўрсата бошлади. У мактабда таълим-тарбия ишларининг талаб даражасида йўлга қўйилишига мактаб ва синфдан ташқари ишларни жонлантириш, педагогларга талабчанликни орттириш, мактаб ўқув базасини мустаҳкамлашга эришди. Мактабда она тили ва адабиёт, тарих фанларининг ўқитилиши тубдан яхшиланди. Н. Абдиев раҳбарлик қилган йилларда ўнинчи синфни тугатган ёшлардан бир неча тарихчи, адабиётчи, журналист ва ҳуқуқшунослар етишиб чиққанининг сабаби шундадир.

Ўз-ўзига, ўзгаларга талабчан, ташкилотчи педагог она қишлоғи Жонбулоқдаги Ғурақат номли ўрта мактабда ҳам йигирма йилга яқин раҳбарлик қилди. У мактабни тумандаги таълим-тарбияси намунали йўлга қўйилган мактаблар каторида бўлишига эришди. Жонбулоқлик ёшлардан ўнлаб ажойиб педагог кадрларнинг етишиб чиқишида Нурилла ақанинг тугатган таъсири кучли. Қишлоқдошлари, туман педагоглари орасида катта обрў-эътибор орттирди.

Изланувчан педагогнинг таълим-тарбияда эришган муваффақиятлари туман ва вилоят газеталарида ёритиб борилди. Журналист Замира Маматқулованинг "Эзгуликка бахшида умр" мақоласида: Н. Абдиев номини туманимизда яхши билишади. Табиатан камсуқум, камтарин, етти ўлчаб бир кесадиган, мутоала қилишни севадиган, савоб ишларни улуғлайдиган, меҳр-оқибатли бу инсон мана қирқ йилдирки,

ёшларга таълим-тарбия бериб келаётир,-деб ёзилади.

Устоз учун шогирд камолини кўришдан ортиқ бахт бўлмас керак.Нурилла аканинг яна бир яхши одати бор. Ҳар йили мактабни тугатиб, мустақил ҳаётга йўл оладиган шогирдларининг тақдири билан қизиқади, сўраб-суриштиради.Улар билан доим суҳбатда бўлиб туради.

Н.Абдиев адабиётшунос, педагог сифатида ҳам кўпчиликка яхши таниш. Унинг "Истиқлол нури", "Қашқадарё", "Маърифат" газеталарида адабиётшуносликка доир ва услубий мақолалари эълон қилинган.Мақолаларидан айримлари тўпламларга киритилган.

Унинг халқ таълимини ривожлантиришдаги хизматлари муносиби тақдирланган.Олий тоифали педагог. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

Кисининг ҳаётда тутган ўрни фарзандларининг камоли билан ҳам белгиланади.Н.Абдиев 5 нафар ўғил ва 3 нафар қизнинг отаси.Турмуш ўртоғи Руёб опа билан ўз фарзандларини илм-билим, касб-хунарга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашган. Тўнғич фарзандлари Фузор иқтисод-технология коллежида ўқитувчи.Суннат,Шаҳзод олий маълумотли муҳандис. Беҳзод, Фарҳод, Раъно,Лола,Шахло педагоглик ва ҳисобчилик касбларини эгаллашган.

## МУРТОЗА МАВЛОНОВ

Муртоза Мавлоновнинг номи туманимизда кўпчиликка яхши таниш. У икки йилдан кўпроқ раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. Айниқса, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раислиги йиллари унинг умр дафтари ва хўжалик тарихида зарварак ҳисобланади.

1966 йил январь ойида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида хўжалик меҳнаткашлари М.Мавлоновни ўзларига бошлиқ этиб сайладилар.Шу йил хўжаликка Қўштепа, Яргунчи, Апарди, Қорасув, Жонбулоқ қишлоқлари қўшиб олинади.

-Муртоза ташкилотчи,ҳозиржавоб раҳбар эди,-деб эслайди яргунчилик Турди бобо.-У раҳбарлик қилган йилларда ишлаб чиқаришнинг мавжуд тармоқлари ривожланди.Айниқса пахта майдонлари кенгайтирилиб,ҳосилдорлик ортиди. Меҳнаткашларнинг турмуш даражаси яхшилана борди.

Хўжалик раҳбари ободончилик,маданий ишларнинг ривожланишига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Жонбулоқдаги қўшқаватли турар-жойлар қаторида Фурқат номли ўрта мактаб учун янги бино қурилиб фойдаланишга топширилган."Гулистон" ва Ибн Сино номли мактаблар учун қўшимча хоналар қурилган. Қўштепа қишлоғида хўжаликнинг икки қаватли маъмурий биноси қад кўтарди.Қишлоқлар ўртасидаги йўлларга тош тўкиб,асфалт ётқизилган.

Ҳузурликлар М.Мавлоновнинг ҳозиржавоблигини мароқ билан эслашади. Туманнинг собиқ раҳбарларидан бирининг нақл қилишича, туман партия кўмитасининг биринчи котиби йиғилишида хўжалик раҳбарларидан давлатга гўшт топшириш

режасининг бажарилишини суриштира бошлаган. Туманда ғўш топширишнинг аянчли аҳволидан тутоққан котиб Муртоза акани турғизиб, бу борада хўжаликда аҳвол қандайлигини суриштирганда, раис тортинмай, ўттиз икки кам юз деган. Котиб аввал, мана бўлар экан-ку, деб сўзнинг мантиқ-маъносини ўйлаб, қаҳ-қахлаб кулганда, кейин раисни роса койиган. Барибир М. Мавлонов ўшанда котибнинг аччиғини тарқатишга эришиб, кўпчиликнинг котибдан қаттиқ гап эшитмаслиғига эришган экан.

Олтмишинчи йиллар мобайнида Жойилма, Яргунчи массивларида пахта майдонлари очиш билан, ғаллачилик майдонлари кенгайтирилган. Хўжаликда айниқса, қорамолчилик ривожлантирилган.

М. Мавлонов кишиларга ғамхўрлиги, уларни ҳимоя қилиш хислатлари билан ҳам хўжалик аҳлининг чуқур ҳурмат-эътиборини қозонган.

Пахта йиғим-теримининг долзарб кунлари юқори синф ўқувчиларининг дала шийпонларида ётиб пахта териши ташкил қилинган эди. Дам олиш кунларининг бирида ўқитувчи ўқувчиларга кечқурун уйларига бориб, эрталаб дала шийпонида бўлишларини тайинлаб жавоб берган экан. Душанба куни вилоятдан келган рус миллатига мансуб бир вакил раис билан шу дала шийпонда эрталаб бўлиб, ўқувчиларнинг қаердан пахта тераётганини суриштирган. Ўқувчиларнинг бирор сабабдан кечикканини сезган раис аслида терим нарҳининг ошгани туфайли ўқувчиларнинг теримда актив иштирок этаётганини назарда тутиб: "Буларга Капекив деган ўқитувчи раҳбарлик қилади, в ўқувчиларни пахта теримига тонгдан бошлайди. Ким билсин, бугун қайси томонга олиб кетган?" - деса, вакил: "Ўқитувчининг фаолиятини газеталарда ёритиш керак", - деб раисга тайинлар эмиш, - дея эслайди кекса педагог, меҳнат фаҳрийси Нормўмин Ибрагимов.

М. Мавлонов хўжалик бошқаруви раислигидан кейин ҳам туман пиллачилик корхонасида бир неча йиллар раҳбар бўлиб фаолият кўрсатди.

## ПОЛВОНЛАР САРДОРИ

Айрим кишилар катта қобилият соҳиби бўлади-ю, ўз қобилиятини намойиш қилмайди, намойиш қилганда ҳам ундан шон-шухрат, обрў-эътибор кутмайди. Баҳриддин акани ўттиз йилдан буён танийман. У ўз умрининг асосий қисмини кишлоқ шўросининг котиби бўлиб ишлаб ўтказган. Юз берган муаммоларни одилона ҳал қилиш, оқилона иш тутиши билан кўпчиликнинг чуқур ҳурмат-эътиборини қозонган кишилардан. Аммо унинг кураги ерга тегмаган полвон эканлигини билмас эдим.

- Полвонлар ҳақида ёзганингизда Баҳриддин акани унутманг, - деди хўжалик бошқарувининг раиси Тўхтамурод Тураев.

- Баҳриддин ака ҳам полвон бўлганларми? - деб хайратланган эдим, у:

- Туман миқёсидаги катта кураш ўтказилган тўйларнинг

хаммасига баковуллик қилган. Полвон сифатида донг таратган эмас. Лекин қайси тўйда жонбулоқлик ёки таниш-билишлари курашда йиқилса, унинг изини олиб ғолибни албатта йиқитиб келган, - деди.

Баҳриддин ака Даминовнинг хонадонидамиз. Ёшлари етмишдан ошган. Қадди-қомат, шижоатларидан қачонлардир кучли полвон бўлгани сезилиб турарди.

- Курашиб юрганингизда неча килограмм оғирликда эдингиз, - деб болаларнинг саволини бериб юборганимдан хижолат тортдим.

- Бир юз қирқ, бир юз эллик килограмм ўртасида юрардим, - дедилар.

- Ғузордан, - деб эслайди Баҳриддин ака, - Йўлдош полвон, Панжи полвон, Сайди полвон, Бердиёр полвон, Очил полвон, Мирзо полвон, қаршилик Жалил полвонларни йиқитганман. Эҳ, қайси бири ёдда қолган, дейсиз. Қамашилик Исмоил полвон, Норпўлат полвон, қосонлик Абдураҳмон полвон, китоблик Анвар полвон, чироқчилик Панжи полвон, нишонлик Маҳмуд полвон, яккабоғлик Абдусаттор полвон, деҳқонободлик Номоз полвон, туркменистонлик Хуросон полвон, Хўжаназар полвонлар билан кураш тушиб йиқитганман. Хуросон полвон билан кураш тушганим ҳамон ёдимда. Шу тўйда ҳам баковул эдим, обрўли полвонларимиздан бири Хуросон полвондан йиқилди. Бошқа талабгор полвон йўқ, чиққанда ҳам унга тенг келаолмаслиги аниқ, ориятга чидай олмай ўзим даврага чиқдим, бир ҳамлада йиқитдим. Хўжаназар полвон менга талаб бўлиб қолди, уни ҳам бир олишда йиқитган эдим.

- Суяк суради, дейишади, аждодларингизда полвонлар ўтганми?

- Утган. Айниқса худо раҳматли акам донг таратган полвон эдилар. Менинг полвонликка даъвогар эмаслигининг сабаби акамнинг кураш усулларидан ўндан бирини билмайман, - дедилар Б. Даминов.

Баҳриддин ака юқорида номларини айтган кишилар полвонликда катта шон-шухрат, эътибор қозонганларини кўп эшитганман. Курашда улардан ғолиб келган Баҳриддин ака Даминовни полвонлар сардори деб билдим.

## ИЛДИЗДАН УНГАН ДАРАХТ

- Ҳисобчи дейилганда кўз олдимга Худоёр ака Чоршанбиев келади, - деб сўзлайди меҳнат фахрийси Абдурайим ака Жумаев. - Худоёр ака ўз умрларини ҳисобчиликка бахш этиб, кўпчиликнинг ишонч-эътиборини қозонган эдилар.

Дарҳақиқат, Х. Чоршанбиев 1935 йилда Бухоро шаҳрида ташкил қилинган ҳисобчилар тайёрлаш курсида ўқиб, ўз ҳўжалигида ҳисобчиликдан иш бошлаган. Касбига меҳр боғлаган киши камолотга эришиши муқаррарлигига Х. Чоршанбиевнинг фаолияти ёрқин мисол бўлади. У ҳалол хизматлари туфайли ердამчи ҳисобчиликдан бош ҳисобчилик даражасига бориб етган.

Ҳалол ишлаш билан чегараланмай бир неча шогирдлар тайёрлади. Айниқса, фарзандларидан Нуриддин ва Муҳиддинлар

ота касбини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин эгаллашди.

-Худоёр аканинг хислати Муҳиддинга ўтган.Муҳиддин ҳам хўжаликнинг ҳисоб-китоб ишларини тўғри юритиш билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонди,-дейди Б. Даминов.

Дарҳақиқат, Муҳиддин ҳам болалагиданоқ отасининг халқ ўртасидаги обрў-эътиборига ҳавас қилиб,келгусида ҳисобчи бўлишни орзу қилар эди.Наманган қишлоқ хўжалик билим юртининг ҳисобчилик бўлимида ўқишини тугатгач,"Ғузур" дон ва дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонасида ҳисобчиликдан иш фаолиятини бошлади.

-Касбнинг яхши-ёмони,катта-кичиги бўлмайди.Эгаллаган касбининг ҳақиқий соҳибигина омманинг чуқур ҳурмат-эътиборини қозонади.Ҳисобчиликнинг сир-асрорларини эгаллашга интил,кишиларга ҳақининг тўлиқ берилишига эътибор бер,хиёнаткорликдан холи бўл, уқтирарди отам,деб эслайди Муҳиддин ака Худоёров.

М.Худоёров ота насихати асосида иш тутиб,ҳисобчиликда туман раҳбарларининг ишонч-эътиборини қозонди.У қирқ йилга яқин ҳисобчилик фаолиятида туман хўжаликларининг бир нечтасида бош ҳисобчи ўринбосари,бош ҳисобчи,вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси тафтиш бўлимида ишлади.

М.Худоёров бир неча йилдан бери "Жонбулоқ" жамоа ширкат хўжалигида бош ҳисобчи бўлиб хизмат қилмоқда. Кишининг қадр-қиммати шогирдлар етиштириши билан ҳам белгиланади.У ўнлаб шогирдлар етиштирди.Шогирдларидан Чўлли Йўлдошев,"Тоҳир-Зухра" жамоа ширкат хўжалигида,Умрзоқ Ҳасанов Охунбобоев номли жамоа ширкат хўжалигида бош ҳисобчилик қилишмоқда.

## ЧОРИ ХУРРАМОВ

Чори Хуррамовнинг исми шарифи туманда кўпчиликка таниш.У Қарши Давлат пединститутининг рус тили ва адабиёти факультетининг сиртқи бўлимини тугатган. Тумандаги А.Навоий номли,А.Темур номли(Собиқ Куйбишев номли),Фурқат номли ўрта мактабларда узлуксиз рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1974-1985 йилларда туман партия кўмитасининг йўриқчиси,ташкилий бўлим мудирини,1985-1987 йиллар мобайнида эса туман ижроия кўмитасининг масъул котиби лавозимларида фаолият кўрсатган.

Ч.Хуррамов ўз даврининг юксак даражадаги орден ва медаллари билан рағбатлантирилган.

Жонбулоқликлар Чори Хуррамовни ажойиб инсон эдилар,деб эслашади.

## ЧОРВАЧИЛИККА БАХШИДА УМР

Бобоназар Нажмиддинов ўз умрини(1910-1983 йиллар) жамоа чорвачилигини ривожлантиришга бахш этиб,ҳаётдан муносиб ўрнини топган.Б.Нажмиддинов чорвадор оиланинг фарзанди эди.У 1938 йилда Тошкент шаҳрида ветеринарлик курсини тугатиб,чорвачилик билан жиддий шуғуллана бошлаган. Жамоа чорвачилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиши учун чорвачилик илмини мукаммал эгаллаш зарурлигини англаб,Б.Нажмиддинов 1953 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик техникумининг чорвачилик бўлимида ўқишни тамомлаган.

Туман хўжаликларидида зоотехник,веттехник бўлиб фаолият кўрсатди.Б.Нажмиддинов ҳалол хизматлари учун бир неча марта қимматбаҳо буюм ва юксак даражадаги мукофотлар билан рағбатлантирилган.

## КИШИЛАР ЁДИДА

Шакар бобо Номозов ҳам куч-ғайрати,ишда орттирган билим ва тажрибасини жамоат манфаати йўлида сарфлаб ўз умридан ёрқин из қолдирганлардан.

Ш.Номозов 1935 йилда ўқитувчиликдан иш фаолиятини бошлаган. 1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилиб, 1942 йилда оғир ярадор бўлиб фронтдан қайтади ва хўжаликда ҳисобчи бўлиб иш фаолиятини давом эттиради. Бир неча йиллар хўжаликда ферма мудири, галлачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаган.1955 йилдан кексалик нафақасига чиққунга қадар қишлоқ шўроси котиблиги лавозимида фаолият кўрсатган.

Нафақага чиққандан кейин ҳам қишлоқ ободончилигига муносиб ҳисса қўшган. Мустақилликни шоду хуррамлик билан кутиб олди ва замон талабини тез англаб, қишлоқда биринчи бўлиб деҳқон-фермер хўжалигини ташкил қилди.

Ш.Номозов ҳалол хизматлари учун ўз даврининг юксак даражадаги мукофотлари билан муносиб тақдирланган.

Элининг тажрибакор кишиларидан ҳисобланган Ш.Номозов 2000 йилда 82 ёшга кириб вафот этган.Унинг босиб ўтган шарафли йўли қишлоқдошлари учун ибратдир.

## ЖОНБУЛОҚЛИКЛАРНИНГ ФАХРИ ЭДИ

Нуриддин Чоршанбиевни жонбулоқликлар ажойиб инсон,ўз касбининг фидойиси сифатида фахр билан эслашади. Н.Чоршанбиев Тошкент Халқ хўжалиги олийгоҳининг ҳисобчилик факультетининг кундузги бўлимида ўқишини тугатгач,Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишга киришган.

-Ҳар бир касб бир дунё. Эгаллаган касбининг сир-асрорларини синчковлик билан эгаллаб борган кишигина ҳаётда муносиб ўрнини топиши муқаррар, дер эдилар Нуриддин ака,-деб эслайди Т.Тўраев.-Нуриддин ака тили билан дили бир,етук мутахассис эдилар.

Ҳақиқатдан ҳам Н.Чоршанбиев туманнинг Охунбобоев номли, А.Турсунов (Собиқ Ленин) номли, "Бўстон" (собиқ "Дружба") жамоа хўжаликларида бир неча йил бош ҳисобчи бўлиб хизмат қилган. Умрининг сўнгги олти йили мобайнида вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасининг тафтиш бўлимида самарали хизмат қилганлар. У ҳалол хизматлари билан кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлган.

Н.Чоршанбиевдан саккиз нафар ўғил ва бир қиз қолган. Фарзандларидан 6 нафари олий маълумотли. Айни пайтда улар ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг турли жабҳаларида ҳалол хизмат қилишмоқда.

---

---

## МУНДАРИЖА

Қишлоқнинг кечмиши ҳақида .....	3
Чакмоқ изидан.....	5
Жонбулоқлик полвонлар.....	8
Шариф полвон.....	9
Аждодлар давомчиси.....	15
Педагог ва етук инсон.....	16
Муртоза Мавлонов.....	18
Полвонлар сардори.....	19
Илдиздан унган дарахт.....	20
Чори Хуррамов.....	21
Чорвачиликка бахшида умр.....	22
Кишилар ёдида.....	22
Жонбулоқликлар фахри эди.....	22

МАЪРИФИЙ НАШР  
НУРИЛЛА АЛИҚУЛОВ  
ОРТИҚЖОН ЖЎРАЕВ

## **ЖОНБУЛОҚ ЖИЛҒАЛАРИ**

*Лавҳалар*

*Мухаррир: Йўлдошбек Кенжа.  
Техник муҳаррир: Самандар Мусаев.  
Мусахҳиҳ: Мусо Тўлаганов  
Компьютерчи: Алиёр Муродов*

**ИБ № 0843**

Теришга 18. 02. 2005 йилда берилди. Босишга 4.03. 2005 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84  $\frac{1}{32}$ . Газета қоғози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоғи 1,9. Шартли бўёқ-оттиск 1,7. Нашр босма табоғи 1,5. 500 нусхада. 127 2005 -шартнома. 2059 буюртма. Эркин нарҳда.

**“Насаф” нашриёти, 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.**

„Графика“ МЧЖ. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси.